

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИСИ КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИК ДЕТЕРМИНАЦИЯСИННИНГ БЛОКЛАРИ

Воҳид Ширинбекович Караев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Абдулла Исақ ўғли Назаров

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактаб ўқитувчиси касбий компетентлик детерминациясининг блоклари асослаб берилади, ушбу детерминация блоклари касбий компетентликнинг назарий асосларини очиқ беради ва унинг самарадорлигини синаб кўриш учун экспериментал маълумотлар келтирилади.

Калит сўзлар: Детерминация, модел, шахсий-мотивацион, коммуникатив, когнитив-креатив, контекст, касбий-ижтимоий.

BLOCKS OF THE DEFINITION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF A PHYSICAL EDUCATION TEACHER

ABSTRACT

The article substantiates the blocks of school teacher professional competence determination, these determination blocks reveal the theoretical foundations of professional competence and provide experimental data to test its effectiveness.

Keywords: Determination, model, personal-motivational, communicative, cognitive-creative, context, professional-social.

КИРИШ

Тадқиқотда белгиланган вазифалардан бирини ҳал қилишда, биз моделлаштириш моҳиятини кўриб чиқамиз, уни олимлар «билиш назариясининг етакчи категорияси, шунингдек илмий тадқиқот усули», - деб номлайдилар, у назарий ва тажриба-синов каби икки жиҳатда намоён бўлади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Умумий кўринишда фанда модел «тадқиқот предметининг муайян томонлари, алоқалари, функцияларини



қайта ишлаб чиқадиган элементлар, объектлар тизими» сифатида кўрилади. Моделни ишлаб чиқиш стратегиясини ҳаракатлар-элементларнинг босқичма-босқич ёзилиши ёки ёйилиши тизими сифатида тақдим қилиш мумкин, яъни:

- таълим тизимининг амал қилиши мазмуни, далиллари ва омилларини таҳлилий англаш;
- малака ошириш тизимида сифатли натижага эришишни қийинлаштирувчи зиддиятларни аниқлаш;
- моделнинг методологик асосларини танлаш;
- малака ошириш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштиришнинг мақсадлари тизимини куриш;
- жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий компетентлигини такомиллаштиришни амалга оширувчи малака ошириш тизими бир бутун таълим маконини куриш;
- жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий компетентлиги мезонлари ва даражаларини аниқлаш.

Тадқиқотимизда муаммоли масала аниқланди – халқ таълими тизими малака ошириш жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича бир бутун амалий-педагогик жараённи ташкил қилиш. Бунда биз педагогик жараённинг яхлит хусусиятлари ва унинг нафақат шахснинг алоҳида функциялари ва хусусиятларига, балки умуман шахсга таъсири ҳақидаги ҳолат, қоидаларига риоя қилдик.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия ўқитувчиси педагогик жараёнини ташкил қилиш педагогик моделини ишлаб чиқишда лойиҳалашнинг мазмуний асослари сифатида таклиф қилган педагогик фаолиятнинг шахсга йўналтирилган компонентлари тизимини танладик, булар:

1. **Шахсий-мотивацион компонент** – таълим фаолиятининг мотивланганлигини (далилланганлиги) кўзда тутуди: ўқув ва касбий фаолиятнинг шахсий маъносининг шаклланиши; шахснинг касбга йўналганлигини ривожлантириш, унинг шахсий ва касбий ўз-ўзини аниқлаши, ўз-ўзини рўёбга чиқариши; таълим фаолиятида ўз-ўзини ташкил қилишни ва ўз хулқ-атвори ўзи тартибга солишни ривожлантириш; ўз касбий тайёрлигини ўзи баҳолашни ривожлантириш.

2. **Шахсий-фаолиятли (коммуникатив) компонент** – фаолият субъекти шахснинг ривожланишини кўзда тутуди: таълимнинг шахсга йўналтирилганлиги орқали



инсонпарварлик жиҳатдан тайёрликнинг қадриятли-мақсадли функциясини амалга ошириш; шахсий маъно ҳосил қилиш ва педагог касби кадрлилигини онгли тушуниб етиш асосида мустақиллик, ҳаракатларнинг ихтиёрий, эркинлигини, таълимий ҳаракатларни танлашни шакллантириш ва ривожлантириш; тингловчилар ўқув фаолиятини тартибга солишнинг алоқага асосланган усулини ўзлаштириш; шахсга йўналтирилган таълим технологияларини тизимли қўллаш; шахснинг ёшига оид, типологик ва шахсий ўзига хос хусусиятларига йўналганлик асосида педагогик мулоқотнинг индивидуаллаштирилган усулларини қўллаш; ўқув фаолиятига ахборот-предметли таъсир қилиш ва уни психологик жиҳатдан тартибга солиш мақсадида шахсларо ва касбий-педагогик мулоқотларнинг умумий қонуниятлари асосида педагогик мулоқотни амалга ошириш.

3. Когнитив-креатив (маданиятшуносликка оид) компонент – маданиятшуносликка асосланган ёндашувни кўзда тутаяди: илмий билимларнинг тизимлилиги ва касбий амалиёт асосида илмий дунёқарашни шакллантириш; таълим жараёнининг мақсадли функциясининг субъект томонидан идрок қилинишининг малака оширишнинг қадриятли-мақсадли функцияси билан тенглик асосида бир-бирига бўйсунуши; таълим мақсадларини шахсий ва касбий ўз-ўзини аниқлаш жиҳатдан англаш; предметли касбий ва психологик-педагогик соҳаларнинг тингловчилар томонидан ўзлаштирилиши; касбий фаолиятга шахсий ахборотли тайёрлиги, касбий ҳаракатларнинг эркин танланиши, касбий билим ва кўникмаларни такомиллаштириш аҳамиятининг тингловчилар томонидан анланганлиги; тафаккурнинг касбий жиҳатдан тизимлилигини, ижодий фаолликнинг эгилувчанлиги, танқидийлигини, креатив индивидуалликни ривожлантириш; касбий рефлексивлик ва ўз-ўзини тузатишни шакллантириш; фаолият мақсадлари ва шарт-шароитлари мотивланганлиги асосида ўз-ўзини ташкил қилишни, ўқув ва касбий қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ шароитларда, ўз-ўзини баҳолашнинг мослиги асосида шахс томонидан ўз-ўзини тартибга солишини шакллантириш.

4. Касбий-ижтимоий компонент (фуқароликка йўналганлик) – меъёрий, ахлоқий, ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини кўзда тутаяди: касбий ва шахсий хулқ-атворни белгиловчи ахлоқий-сиёсий эътиқод ва ҳис-туйғуларни тарбиялаш.

Шундай қилиб, шахсий-касбий мақсадлар ва ижтимоий қадриятлар, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ижтимоий-

маданий мослиги асосида касбий-ролли функциясининг шаклланиш жараёни содир бўлади. Бундан ташқари, касбий-педагогик функцияларни амалга оширишда хулқ-атворнинг ижтимоий-ахлоқий меъёрлари ривожланади. Шунингдек тингловчиларнинг кадриятларга йўналтирилган ўзаро таъсирлар ва ўз-ўзини тартибга солишни амалга ошириш учун шахсий ва касбий жавобгарлиги тарбияланади. Бундан ташқари, касбий фаолият жараёнида фуқаровий, ҳуқуқий ва ахлоқий жавобгарлик шакллантирилади.

Фаолиятли ёндашув контекстида малака оширишнинг аниқ иштирокчисининг (яъни жисмоний тарбия ўқитувчиси) индивидуал фаолияти, унинг шахсий ривожланишининг устувор шартлари ҳамда халқ таълими тизимида унинг касбий компетентлигининг таркиб топиши ва ривожланиши сифатида, эътиборимизнинг объекти бўлди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Жисмоний тарбиянинг таркибий қисми бўлган спорт ва унинг барча жиҳатлари ғалабага интилишни, юқори натижаларга эришишни тарбиялайди, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ахлоқий сифатларини сафарбар қилишга кўмаклашади, фуқаролар ижодий умрини узайтиради ва саломатлигини мустаҳкамлайди, буларнинг барчаси ошиб бораётган рақобат маромида айниқса муҳим аҳамият касб этади. Аҳоли кенг оммасининг жисмоний тарбия ва спортга жалб қилинганлиги, шунингдек халқаро спорт мусобақаларидаги муваффақиятлар ҳар қандай мамлакатнинг яшовчанлиги ва маънавий кучидан далолат беради. Малака оширишда жисмоний тарбия ўқитувчиси касбий компетентлигини ривожлантириш ва такомиллаштириш жараёнини ташкилий-методологик таъминлаш ҳамда бу жараённи аниқ педагогик технологиялар билан таъминлаш моделини амалга оширилгандан сўнг, халқ таълими тизимида жисмоний тарбия ўқитувчилари касбий компетенцияларининг ривожланиш даражасини аниқлаш ва диагностика қилиш зарурати юзага келди.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари малаксини ошириш тизими қуйидаги вазифаларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак, булар:

- ўқитувчининг эркин, кўп векторли, шахсга йўналтирилган ва касбий ўсишига шароитлар яратиш;

- малака оширишнинг умумий мазмунли векторининг биринчи навбатда таълимни модернизациялашнинг асосий текширилган йўналишларга қаратилганлиги;



- ўқитувчилар тажрибасини (шу жумладан малакасини оширувчи) актуаллаштирилиши ва кўп жиҳатли диссеминацияси;
- ўқитувчи томонидан ўз малакасини доимий ва объектив равишда баҳоланиши учун шароит яратиш;
- малака оширишга ижодий, индивидуал ёндашувни таъминлаш омиллари сифатидаги интерфаоллик, модуллик, лойиҳавийлик, дистантлик ва узлуксизликни амалга ошириш.

ХУЛОСА

Ишнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, жисмоний тарбия ўқитувчиси яхши саломатлик эгаси бўлиб, ўзини тегишли ҳолатда сақлаб туриши шарт. Унга ақлий, эстетик, экспрессив, ташкилотчилик ва айниқса, коммуникатив қобилиятлар керак. Жисмоний тарбия ўқитувчисини ажратиб турувчи жиҳатлари, бизнинг назаримизда, кузатувчанлик, чидамлик, вазминлик, ҳазилкашлик, меҳрибонлик, оптимистик рух, мустақиллик, масъулият, киришимлик, хуш кўриш, ҳамдард бўлишга тайёрлик кабилар ҳисобланади. Ўқувчилар кайфиятларини фарқлаш, уларнинг индивидуал ва ёшига оид қобилиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

REFERENCES

1. Гафиатулина Н.Х. Здоровье как ценность в среде учащейся молодежи: Монография – Ростов-на-Дону: РАС ЮРГУЭС, 2009. – 166 с.
2. Пономарев И.Е., Литвинов В.А., Пономарев О.И. Состояние общества, здоровье человека и проблемы воспитания, образования и оздоровления студентов средствами физической культуры // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2016. №4.
3. Ольховская Е.Б., Сапегина Т.А. Профессионально-образовательный потенциал физической культуры в высших учебных заведениях: монография. Екатеринбург, 2008. 103 с.
4. Зеер Э.Ф. Психология профессионального развития: методология, теория, практика: монография. Екатеринбург, 2011. 345 с.
5. Ефремова Н.Ф. Современные текстовые технологии в образовании: учеб. изд. М., 2003. 176 с.
6. Болотов В.А., Сериков В.В. Компетентностная модель: от идеи к образовательной программе. М., 2005.

